

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим  
соҳасидаги 5А340603– “Молия, пул муомаласи ва кредит”  
магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент – 2003**

Тузувчилар: доц. С. Норқобилов  
к.ўқ. К.Наврўзова  
Тақризчилар: к.ўқ. Н. Эрназаров  
и.ф.д., проф. А.Қ. Қодиров

"Банкларда бухгалтерия ҳисоби" фани етакчи мутахассислик фанларидан бири бўлиб, унда банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари, бухгалтерия ҳисобининг вазифалари, Марказий банк ва тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси, банк баланси, банкларда ҳисоб ва ҳужжатлар айланишини ташкил қилиниши, мижозларга ҳисобрақамлар очиш билан боғлиқ мавзулар, шунингдек банклар бажарадиган барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва расмийлаштирилиши ёритиб берилди.

Предмет "Бухгалтерский учет в банках" один из ведущих спец предметов в котором даются темы где раскрываются основы бухгалтерского учета в банках, задачи бухгалтерского учета, планы счетов бухгалтерского учета Центробанка и коммерческих банков, баланс банка и порядок его составления, организация учета и документооборота в банках, наряду с этим даются порядок учета и оформления всех операций совершаемых банком.

The subject "Accounting in banks" is one of the leading special subjects. It consists of studying different items belong to finding out bases of accounting in banks, tasks of accounting, plan of accounting of the Central Bank and other commercial banks, balance sheet of bank and the other of it's composing, organization of accounting and document circulation in banks, and in addition to these tasks this subject studies the order of accounting and the forming of all operations made by bank.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### **"Банкларда бухгалтерия ҳисоби" фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йилдаги 343-сонли қарорига асосан тасдиқланган таълим стандартига асосан магистратуранинг "Аудит" йўналишида "Банкларда бухгалтерия ҳисоби" фани ўқитилади.

"Банкларда бухгалтерия ҳисоби" фанини ўқитишнинг мақсади "Бизнес ва бошқарув" соҳаси бўйича тайёрланадиган барча магистратура йўналишлардаги кадрларга банкларда бажариладиган турли операцияларни янги ҳисобварақалари режаси бўйича ҳисоб ва расмийлаштиришни жаҳон андозалари асосида бажаришни ўргатишдир. Бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисобварақалар режаси асосида пухта ўрганиш орқалигина фаннинг асосий мақсади бўлган ҳисобварақалар бўйича зарур бухгалтерия ёзувларини ўтказиш таржибасини, ҳужжатлар билан операцияларни расмийлаштириш, шунингдек бухгалтерия балансининг таҳлили ва банк молия ҳисоботларини тузиш кабиларни ўзлаштира оладилар.

Мазкур фанни ўргатиш вазифаси қуйидагилар:

- янги ҳисоб варақалар режасини ўрганиш;
- банк операцияларини ҳисоби ва расмийлаштиришни ўрганиш;
- банк балансини тузиш;
- банкнинг бошқа ҳисоботларини тузиш ва таҳлил қилиш.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

- талабалар фанни ўрганиш даврида ҳар бир ўтиладиган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан сўраладиган "таянч" ибора, тест саволларига жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;
- ўқиш даврида ёзма назорат ишларини бажариши ва рефератлар тайёрлаш;
- фанни ўзлаштириш натижасида ва келажакда талаба бухгалтерия ҳисобида бўладиган ўзгаришларни таҳлил қилиш.

### **Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси**

"Банкларда бухгалтерия ҳисоби" фани "Бухгалтерия ҳисоби", "Пул, кредит ва банклар", "Банк иши", "Банк фаолиятининг таҳлили", "Банк статистикаси" ва "Банк аудити" каби фанлар билан узвий боғлиқдир.

### **Фанни ўргатишдаги янги технологиялар**

- маърузалар матнидаги шаклий ва рақамли маълумотларни кафедра томонидан олдиндан тайёрлаб гуруҳ талабаларига тарқатиш, бу усул ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча ёзишдан озод этади;
- тест саволларини тузиш ва уларга жавоб бериш шаклида жорий ва оралик назоратларни уюштириш;
- "таянч" ибораларни ишлаб чиқиб, талабалардан уларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш;
- амалий машғулотларда банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишга оид "Иш ўйинларини" қўллаш.

### **Фанни ўқитишнинг семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Банкларда бухгалтерия ҳисоби" ни ўқитиш намунавий ўқув режасининг 1-семестрларида бажарилади.

Услубий кўрсатмалар:

- фан мавзулари бўйича ечиладиган масалалар тўпламидан фойдаланиш;
- ҳар бир мавзу бўйича жадвал, чизма ва графиклар тайёрлаб, дарсда кўргазма шаклида фойдаланиш ва бошқалар.

### **Умумий ва ўқув ишлари бўйича соатлар ҳажми**

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 120 соат ҳажмида вақт ажратилган. Уларнинг 40 соати маъруза, 40 соати амалий машғулотлар, 40 соати мустақил таълимдир.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Банк баланси**

*Банклар бухгалтерия ҳисобининг моҳияти ва уни ташкил этишининг аҳамияти; банклар ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши; бухгалтерия ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, "Банкнинг операцион куни" дастури; банк баланси ва унинг тузилиши; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалар режалари ва уларнинг тавсифи.*

### **Банк ҳужжатлаштириш, ҳужжатлар айланиши ва банк назорати**

*Банк ҳужжатларининг мазмуни, аҳамияти, турлари ва уларнинг тавсифи; банкларда ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш; бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби; ички банк назорати, унинг турлари ва аҳамияти.*

### **Асосий ва қўшимча дафтарлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб**

*Синтетик ва аналитик ҳисобларининг мазмуни; аналитик ҳисоб (Қўшимча дафтар) ва унинг тавсифи; синтетик ҳисоб (Асосий дафтар) ва унинг тавсифи; асосий ва қўшимча дафтарларни текшириш.*

### **Нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларининг расмийлаштири-лиши ва ҳисоби**

*Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил этиш асослари; Ўзбекистон республикаси банкларида миқдорларнинг депозит (ҳисоб-китоб, бюджет) ҳисоб варақаларини очиш тартиби; тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб - китобларининг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши; тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши; инкассо топшириқлари, уларнинг мазмуни, ҳисоби ва расмийлаштирилиши; чеклар бўйича ҳисоб-китобларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; пластик карточкалари бўйича операцияларининг ташкил этилиши; Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш истиқболлари.*

### **Қимматли қоғозлар бўйича операцияларнинг расмийлаш-тирилиши ва ҳисоби**

*Қимматли қоғозлар ва уларнинг турлари; тижорат банклари томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳисоби; банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби; қимматли қоғозлар бўйича банк операцияларининг тавсифи.*

### **Банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши**

*Банклараро ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва уларнинг ривожланиш тарихи; банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши, банкларнинг вакиллик ҳисоб варақалари; банклараро ҳисоб-китобларнинг электрон тўлов тизими орқали юритилиши; ҳисоб марказлари ишининг ташкил этилиши; банкларнинг вилоят ичидаги ва вилоятлараро ҳисоб-китоблари.*

## **Қисқа муддатли ссуда операцияларининг расмийлаштирилишининг ва ҳисоби**

*Қисқа муддатли кредитлаш операциялари ҳисобининг ташкил этилиши; ссуда ҳисоб варақаларини очиб тартиби; кредит линияларини очиб ва очмасдан алоҳида ссуда ҳисоб варақаларидан кредит бериш ва қайтариш операцияларининг ҳисоби; бошқа кредит турлари бўйича операциялар ҳисобининг хусусиятлари; муддатли ва муддати ўтган ссудалар бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундириш тартиби.*

## **Касса операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш**

*Банкларда касса операцияларини ташкил қилиш, банк кассалари турлари; кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорат; чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорат; кечки кассаларнинг фаолияти; пул тушумларини инкассация қилиш тартиби.*

## **Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва кредитлаш бўйича операцияларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши**

*Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва узоқ муддатли кредитлаш бўйича банк операциялари; бу операциялар ҳисобининг ташкил этилиши; капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; капитал курилишдаги бажарилган ишлар учун ҳисоб-китобларнинг хусусиятлари; узоқ муддатли кредитлаш бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби.*

## **Давлат бюджетининг кассавий ижроси бўйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш**

*Давлат бюджетини кассавий ижро этишининг моҳияти, бюджет операциялари бўйича ҳисоб рақамлар тизими; республика бюджетининг даромадлари бўйича операцияларнинг кассавий ижро этилиши, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши; давлат бюджетининг харажатлар бўйича кассавий бажарилиши, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши; маҳаллий бюджетнинг кассавий ижроси бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби.*

## **Банк ички операциялари. Даромад ва харажатларининг расмийлаштирилиши ва ҳисоби**

*Банк асосий воситаларининг ҳисоби, тартиби; материаллар ҳисоби; уларнинг кирим қилиш ва ишлатиш тартиби; кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби; банкнинг операцион ва бошқа даромадлари, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; банкнинг операцион ва бошқа харажатлари, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; бошқарув аппаратини ушлаб туриш харажатларининг ҳисоби; банк фаолияти молиявий натижаларининг ҳисоби.*

## **Банкларнинг бухгалтерия ҳисоботлари**

*Банк бухгалтерия ҳисоботларининг аҳамияти ва турлари; жорий бухгалтерия ҳисоботининг мазмуни; йиллик ҳисоботнинг мазмуни, уни тузиш ва тасдиқлаш тартиби.*

### **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ**

#### **Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Банк баланси**

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақалари режасини ўрганиш\*; Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақалари режасини ўрганиш; тижорат банкларининг кундалик баланси, мазмуни ва тузиш тартиби. Тижорат Банки кундалик балансларини тузиш бўйича масалалар ишлаш.

#### **Асосий ва қўшимча дафтарлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб**

Синтетик ва аналитик ҳисобларининг мазмуни; аналитик ҳисоб (Қўшимча дафтар) ва унинг тавсифи\*; синтетик ҳисоб (Асосий дафтар) ва унинг тавсифи; асосий ва қўшимча дафтарларни текшириш, хатоларни тuzатиш йўллари. Ситуацион масалалар ечиш.

#### **Нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларининг расмийлаштирилиши ва ҳисоби**

Ўзбекистон республикаси банкларида миқдорларнинг депозит (ҳисоб-китоб, бюджет) ҳисоб варақаларини очиш тартиби\*; тўловларни кетма-кетлиги, тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларининг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши; тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши; инкассо топшириқлари, уларнинг мазмуни, ҳисоби ва расмийлаштирилиши\*; чеклар бўйича ҳисоб-китобларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; ҳисоб операцияларининг бошқа шакллари; Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш истиқболлари; нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш бўйича муаммолар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб операциялари бўйича масалалар ишлаш.

#### **Қимматли қоғозлар бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби**

Тижорат банклари томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳисоби\*; банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби; қимматли қоғозлар бўйича банк операцияларининг тавсифи. тижорат банки амалиҳти билан танишиш.

#### **Банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ва расмийлаш-тирилиши**

Банклараро ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва уларнинг ривожланиш тарихи; банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши, банкларнинг вакиллик ҳисоб варақалари\*; электрон тўлов тизими, унинг моҳияти ва аҳамияти; ҳисоб марказларида банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши ва ҳисоби. Ситуацион масалалар ечиш.

#### **Қисқа муддатли ссуда операцияларининг расмийлаштирилиши ва ҳисоби**

Қисқа муддатли кредитлаш операциялари ҳисобининг ташкил этилиши; ссуда операциялари бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг юритилиши\*; ссуда ҳисоб варақаларини очиш тартиби; кредит бериш ва қайтариш операцияларининг ҳисоби; муддатли ва муддати ўтган ссудалар бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундириш тартиби. Қисқа муддатли кредитлаш операциялари ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

## **Касса операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш**

Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорат; чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорат\*; кечки кассаларнинг фаолияти; пул тушумларини инкассация қилиш тартиби; инкассация қилинган пул тушумларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш. Касса операцияларини ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

### **Капитал қўйилмаларини молиялаштириш ва кредитлаш бўйича операцияларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши**

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва узоқ муддатли кредитлаш бўйича банк операциялари\*; капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби; узоқ муддатли кредитлаш бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби. Банк ички операциялари бўйича масалалар ишлаш.

### **Давлат бюджетининг кассавий ижроси бўйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш**

Республика бюджетининг даромадлари бўйича операцияларнинг кассавий ижро этилиши, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши\*; давлат бюджетининг харажатлар бўйича кассавий бажарилиши, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши; маҳаллий бюджетнинг кассавий ижроси бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби. Амалий материаллар асосида ҳужжатлар тўлдириш.

### **Банк ички операциялари. Даромад ва харажатларининг расмийлаштирилиши ва ҳисоби**

Банк асосий воситаларининг ҳисоби\*; амортизация ҳисоблаш тартиби; материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби; банкнинг даромадлари ва харажатлари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш; банк молиявий фаолияти натижасини ҳисобга олиш. Ситуацион масалалар ечиш.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР**

**Интернет сайтлари:** [www.bizbook.ru](http://www.bizbook.ru), [www.chtivo.ru](http://www.chtivo.ru).

Аудио-видео жиҳозлар. - Мавзуга бағишланган видео кассеталар.

**Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:**

- Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Банк балансмавзуси бўйича 2та слайд;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларининг расмийлаштирилиши ва ҳисоби мавзуси бўйича 4та слайд;
- Банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши мавзуси бўйича 2та слайд.

"Банк миждоз" компьютер дастури.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ) - 35%;
- оралиқ баҳолаш (ОБ) - 35%;
- якуний баҳолаш (ЯБ) - 30%.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБда тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло" - 51,6 - 60,0 балл;
- 71 - 85 - "яхши" - 42,6 - 51,0 балл;
- 55 - 70 - "қониқарли" - 33,0 - 42,0 балл.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. 1995 й. 21 декабр.
2. "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги"ги Қонуни. 1996 й. 25 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 1998 й. феврал.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995й 5 январдан 2001 йил 1 январгача. - Т.: Адолат, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақалар режаси. 1999.
6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақалар режаси. 1999.
7. Ўзбекистон Республикасида "Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида"ги 60-сонли Низом. 2002 й. 15 январ.
8. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб варақалари ҳақидаги 1-сонли йўриқнома. 2001 й. 06 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги 61-сонли йўриқнома. 1997 й. 5 сентябр.

10. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Т.: Молия, 2000.
11. Абдуллаева Ш.З, Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари. Ўқув қўлланма. - Т., ТМИ, 2001.
12. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. пос. для ВУЗов под ред. проф. А.Н. Товашева, М.: Юнити-Дана, - 2001.
13. Банки и банковское дело / Под. ред. И.Т. Балабанова - С-Пб.: Питер, 2001.
14. Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика -М.: ПРИОР, 2000.
15. Деньги, Кредит, Банки. Ценные бумаги. Практикум: Учеб. пос. для вузов - Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
16. Иминов О.К. Кредитный механизм современных условиях. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2000.
17. Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Апрель-июнь. 2001.
18. Казимогомедов А.А., Илясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. - М.: Финансы и статистика, 2001.
19. Козлова Е.П., Бабченко Т.Н. Сборник корреспонденций счётов бухгалтерский учета по новому счётному плану. - М.: Бухгалтерский учет, 2001.
20. Муругова И.А., Наврузова К.Н. Основы бухгалтерского учета в банках. - Т.: ТМИ, 2001.
21. Порфенов К.Г. Банковский учет и операционная техника в коммерческих банка. Изд-3-е перераб. - М.: ЗАО Бухгалтерский бюллетень, 2001.
22. Савчук В.П., Примекко С.И., Величко Е.Г. Анализ, разборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. -Киев: Эльга, 1999.
23. Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом -М: ВО Перспектива, 1998.
24. Шеремет А.Д. Финансовы анализ в комерческом банке. - М.: Финансы и статистика, 2000.
25. Интернет сайтлари:
  - [www.banking.com](http://www.banking.com) - минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
  - [www.banking.com/aba](http://www.banking.com/aba) - Америка банклари ассоциацияси.
  - [www.state.ct.us/dob](http://www.state.ct.us/dob) - коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва қўриқлаш саноатини бошқаради.
  - [www.arraydev.com/commerce/JIBC](http://www.arraydev.com/commerce/JIBC) - интернет банкинг ва коммерция журнали.
  - [www.bankingtech.com](http://www.bankingtech.com) - банк технологиялари.

## Қўшимча адабиётлар

1. Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 2002 й. 30 март.
2. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўлов тизими бўйича ҳисоб-китобларни юритиш ҳақидаги 1010-сонли Низом. 2001. 15 феврал.
3. Банкларни тугатиш тўғрисидаги 240-сонли Низом. 1996. 20 июл.
4. Депозиторлар миллий ахборот базаси ҳақидаги 263-сонли Низом. 1996. 3 октябр.
5. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварақалари бўйича фоиз ҳисоблаш тартиби ҳақидаги 145-сонли Низом. 1996. 20 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини бажариш тартиби тўғрисидаги 326-сонли Низом. 1997. 15 март.
7. Ҳисоб-китоб марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича 400-сонли йўриқнома. 1998. 6 июл.
8. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. 1996. 20 сентябр.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Абдуллаева Ш. З. Банк иши. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 2000.
11. Грязнова А. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. -М.: Финансы и статистика, 2002.
12. Жарковская Е. Банковское дело. Курс лекций. Омега-Л. 2002.
13. Муллажонов Ф. Банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
14. Островская О. Банковское дело. Толковый словарь. - М.: Гелиос АРВ, 2001.
15. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. - М., 2002.